



CURRENT PROBLEMS IN THE PROTECTION OF WOMEN'S AND CHILDREN'S HEALTH IN UZBEKISTAN DURING THE FORMER UNION

Nigora Toshtemirova

Associate professor, PhD

Karshi State University

Uzbekistan, Karshi

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, former USSR, healthy generation, women and children, "hero mother", "maternal fame", maternity set, Health Ministry, Central Asian State University, Samarkand, Andijan.

Received: 30.05.25

Accepted: 01.06.25

Published: 03.06.25

Abstract: Research on the protection of motherhood and childhood shows that the socio-economic living conditions of the population, including material supply, accommodation, working conditions, rest, education, culture, customs, nutrition and other factors, have a direct and indirect impact on the health of the future generation. This article is about the protection of women's and children's health in Uzbekistan during the former Union.

СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Нигора Тоштемирова

Доцент, PhD

Қарши Давлат Университети

Ўзбекистон, Қарши

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Собик СССР, Соғлом авлод, аёллар ва болалар, “Қаҳрамон она”, “Оналик шухрати”, туғруқ мажмуи, Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўрта Осиё давлат университети, Самарқанд, Андижон.

Аннотация: Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий яшаш шароитлари, жумладан, моддий таъминоти, турар-жойи, меҳнат шароити, дам олиши, маълумоти, маданияти, урф-одатлари, овқатланиши ва бошқа омиллар келажак авлод саломатлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ушбу мақолада собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдаги

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ ЖЕНЩИН И ДЕТЕЙ В
УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРИОД СУЩЕСТВОВАНИЯ БЫВШЕГО СОЮЗА****Нигора Тоштемурова**

доцент, PhD

Каришинский государственный университет

Узбекистан, Кариши

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, бывший СССР, здоровое поколение, женщины и дети, "мать-героиня", "материнская слава", набор для беременных, Министерство здравоохранения, Центрально-Азиатский государственный университет, Самарканд, Андижан.

Аннотация: Исследования в области охраны материнства и детства показывают, что социально-экономические условия жизни населения, включая материальное обеспечение, жилье, условия труда, отдыха, образование, культуру, обычаи, питание и другие факторы, оказывают прямое и косвенное влияние на здоровье будущего поколения. Эта статья посвящена охране здоровья женщин и детей в Узбекистане во времена бывшего Союза

КИРИШ

Ўрта Осиё инсониятнинг қадимги бешикларидан бири ва цивилизация ўчоғи ҳисобланади. Ўрта асрларда юртимиз ҳудудида фаолият кўрсатган Абу Али ибн Сино, Абу Мансур Қамарий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Ғиёсиддин Муҳаммад, Нажибуддин Самарқандий, Нафис ибн-Аваз, Исмоил Журжоний, Умар Чағминий, Абулғози Баҳодирхон, Субхонқули Чигатойхон, Жаъфархўжа Ҳазораспий, Маҳмуд Ҳаким Яйпоний, Аҳмаджон Табибий, Яхшимуродбек ибн Бабожонбек каби улуғ ҳакимлар ички касалликлар бўйича етук мутахассислар ҳисобланиб, тиббиётнинг ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшган.

АСОСИЙ ҚИСМ

1920 йилнинг ўрталаридан Ўзбекистон ССРда соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарурияти вужудга келди. Хусусан, 1925-1926 хўжалик йилида республикада 11 та янги касалхона, 15 та врачлик ва 12 та фельдшерлик пунктлари очилди. Янги Урганч, Шаҳрисабз, Шеробод, Ғиждувон, Нурота, Конибодом, Сулюкта, Чимёнда касалхоналар, Тошкент ва Фарғонада электр билан даволаш шифохоналари, Жиззах ва Кўқонда амбулаториялар очилди. Бундан ташқари, Самарқандда 500 ўринлик республика касалхонаси қурила бошланди. Шунингдек, Асака, Конибодом, Янги Урганч, Ургут, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида аптекалар қайта очилди. 1926 йилда республикада 543 та даволаш-профилактика муассалари ишлаб турарди.

1925 йил бошида республикада 339 врач ишлаб турган бўлса, 1926 йил 1 октябрда уларнинг сони 761 нафарга етди. Фельдшерлар сони — 293 дан 589 га, акушерлар сони —

118 дан 252 га, стоматологлар — 38 дан 81 нафарга етди. Хусусан, тиббиёт ўқув юртлари мутахассислар сони ўсишига таъсир кўрсата бошлади.

1927 йил 5–8 февралда Самарқандда Ўзбекистон врачларининг I съездида бўлиб ўтди. Унда республикадаги касалликларнинг тарқалиш патологиясидан келиб чиқиб, аҳолини даволаш ва профилактика тадбирлари белгиланди.

1930 йил октябрда Самарқандда янги қурилган 500 ўринлик республика клиникаси негизида Ўзбекистон Давлат тиббиёт институти очилди. 1931 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг тиббиёт факультети ҳам мустақил ўқув юрти сифатида фаолият юрита бошлади ва унга 1935 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти номи берилди. 1937 йилда мазкур ўқув юртида талабалар сони 1400 нафарга етди ва тиббиёт институтида даволаш, санитария-профилактика, оналар ва болалар, стоматология факультетлари бор эди.

1930 йилларда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат бироз кенгайтирилди. Хусусан, 1935 йилда Фарғонада биринчи колхоз туғруқхонаси ташкил этилди. 1937 йилда қишлоқ жойларида 94 та аёллар ва болалар маслаҳатхоналари ҳамда 4530 ўринлик 146 касалхона фаолият кўрсатарди. 1937 йилда Ўзбекистонда 2194 врач, 214 тиш шифокорлари, 6369 ўрта маълумотли тиббий ходимлари ишлаб турарди.

1940 йилда Ўзбекистонда 20.600 ўринли 390 та касалхона (уларнинг 19.498 ўринли 368 та касалхонаси Республика соғлиқни сақлаш комиссарлигига қарарди), 1024 амбулатория, 77 врачлик ва 199 фельдшерлик соғломлаштириш пунктлари, 30 СЭС, 172 аптека ва 398 аптека пунктлари ишлаб турган. Аёллар ва болалар учун ихтисослаштирилган махсус тиббиёт тизимда 189 та болалар ва 184 та аёллар маслаҳатхоналари, 220 та акушерлик-гинекология пунктлари, 92 та колхоз туғруқхоналари мавжуд эди. Касалхоналарда 2572 нафар болалар ва 3276 нафар аёллар учун ўринлар ажратилган. Тиббиёт муассасаларида 3175 нафар врачлар ва 12.300 нафар ўрта малакали ходимлар фаолият кўрсатган.

Иккинчи жаҳон уруши оналар ва болалар саломатлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ССРда уруш туфайли 1941–1943 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари анча сусайди. 1927 йилда республикада ташкил этилган “Оналар ва гўдакларни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти” фаолияти тугатилди. Натижада, болалар орасида юқумли касалликлар кўрсаткичи кескин ошиб кетди.

Статистик маълумотларга кўра, республиканинг барча ҳудудларида қизамиқ билан оғриган болалар қайд этилиб, уларнинг сони етти баробар ортиб кетган эди. Масалан, 1941 йилнинг сўнгги чорагида 1 ёшдан 16 ёшгача касалланган болалар Самарқанд шаҳрида – 60, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида – 50, Наманганда вилоятида – 34, Бухоро вилоятида эса 40 фоизни ташкил этган.

Болалар орасида кенг тарқалган қизил ўлат билан касалланиш 1941 йилда 1940 йилга нисбатан 4 мартага ортган. Ўша даврга оид архив ҳужжатлари ушбу касалликнинг Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалганлиги ҳамда болалар ўлимининг ошишига сабаб бўлганлигидан далолат бермоқда.

Болалар касалликлари бўйича даволаш муассасалари фаолиятида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Жумладан, Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл туманида биттагина болалар шифохонаси мавжуд бўлиб, у ерга беморлар барча ҳудудлардан олиб келинган. Қизиғи, атиги 25 та ўринга мўлжалланган мазкур муассасада озик-овқат танқислиги натижасида 15 ўринга хизмат кўрсатилган. Бу ерда ошқозон яраси, гипетрофия, гангреноз стоматити, оқсиллар етишмаслиги каби касалликлар билан хасталанган болалар даволанган.

Ўзбекистонда уруш йилларида турли юқумли касалликларга чалиниш ва ўлим кўрсаткичлари ортиб борди. Масалан, 1945 йилнинг биринчи ярмида Андижонда чақалоқлар уйидаги 192 боладан 58 нафари ёки 30 фоизи, Самарқанд болалар шифохонасида шу йилнинг 11 ойида даволанган 527 боладан 20 фоизи турли сабабларга кўравафот этган. Тошкент шаҳридаги 1-сонли болалар уйида 1944 йил ноябрдан 1945 йил майга қадар 59 нафар болалар ўпка шамоллаши билан касалланган бўлиб, уларнинг 35 нафари касалликдан вафот этган. Қолаверса, ўша йилнинг май-июн ойларида токсик диспепсия билан 33 нафар бола касалланган, улардан 20 нафари вафот этади.

Шунингдек, 1941–1942 йилларда туғруқ муассасалари фаолияти кўрсаткичлари ёмонлашган. Мазкур даврда туғруқ жараёнида тиббий ёрдам кўрсатиш икки мартага камайган. Оналар ва болалар ўртасида даволаш ишларининг қоникарсиз борганлиги, саноат корхоналари қошида ишчи аёллар учун акушер-гинеколог хизматининг йўлга қўйилмаганлиги, қишлоқдаги колхоз туғруқ уйлари тармоғининг асоссиз қисқартирилиши, мавжудларининг эса моддий таъминоти оғир ҳолатда бўлганлиги даволаш ишларига салбий таъсир кўрсатган. СССР Олий Кенгаши ҳайъатининг 1944 йил 8 июндаги “Ҳомиладор аёлларга, кўп болали аёллар ва ёлғиз оналарга давлат ёрдамини кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя этишни кучайтириш, “Қаҳрамон она” (“Мать-героиня”) фахрий унвонини жорий этиш, “Оналик шуҳрати” (“Материнская слава”) ордени ва “Оналик” (“Материнство”) медалини таъсис этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Ушбу фармонда кўп болали оналарга бериладиган имтиёзлар ва фронтда ҳалок бўлган жангчиларнинг болаларига ёрдам ҳақида ҳам сўз бориб, ёлғиз оналарга нафақалар бола 12 ёшга тўлгунга қадар бериладиган бўлди.

Урушдан кейинги даврларда мамлакат иқтисодининг тикланиши жараёнида муҳим ижтимоий муаммолар ечимига ҳам эътибор қаратиш зарур эди. Давлат бюджети ва колхозлар ҳисобидан ажратилаётган маблағлар эвазига шаҳар ва қишлоқлардаги тиббиёт

муассасаларининг моддий базаси биров мустаҳкамланди. Юқумли касалликларга қарши кураш олиб борилди. Хусусан, ришта ва эпидемик турдаги безгак касалликлари тугатилди ҳамда полиомиелитга қарши тадбирлар амалга оширила бошланди.

1960 йил 21 мартда Ўзкомпартия МК ва Республика Министрлар кенгаши “Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлигини сақлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Эндиликда шаҳарларда 300-600 ўринлик, қишлоқ жойларида эса 200 ўрингача кўп тармоқли касалхоналар қуришга кўрсатма берилди. Жамоа хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари қуриш ташаббуси маъқулланди. Саноат корхоналарида ишлаётган аёллар, хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширила бошланди. Аҳолининг сил, ўсма, рухий ва бошқа мураккаб касалликларга чалинган қисмига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишга эътибор кучайтирилди. Мазкур жараёнларда терапия соҳасига алоҳида эътибор берилди ва ушбу йўналишни аҳоли саломатлигини асрашда асосий ўрин тутуди деб ҳисобланди.

Тиббиёт муассасаларини мослаштирилган бинолар ҳисобига кенгайтириш тадбирлари натижасида 1960 йилларда 700 дан ортиқ бинолар соғлиқни сақлаш соҳасига берилди. Аммо тиббиёт муассасаларининг сони ошиши кўрсатилаётган хизмат сифатини кўтариш ўрнига пасайтирди. Чунки, ажратилаётган биноларнинг кўплари санитар меъёрларга тўғри келмас, тиббий техника ва асбоб-ускуналарни ўрнатишга ярамасди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, оммавий тарзда аёллар ва мактаб ёшидаги ўсмирларнинг саноат корхоналари ҳамда дала ишларига жалб этилиши, оғир меҳнат мажбуриятлари, узайтирилган иш соати, шунингдек, ёмон шароит оналар ва болалар репродуктив саломатлигига ўз таъсирини ўтказди. Тинч аҳоли учун касалхоналар ва улардаги ўринларнинг камлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда моддий қийинчиликлар зарур тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилди. Натижада, уруш ва урушдан кейинги йилларда туғилиш кўрсаткичи кескин тушиб кетди. Ўлик ва ногирон туғилган чақалоқлар сони ортиб борди, бу эса ўз навбатида миллат генофондига сезиларли таъсир кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ

1. Здравоохранение в годы Великой отечественной войны. Сборник документов и материалов / Под редакции Д.Д.Барсукова. – Москва, 1977. – С.422–423.
2. Джураев, А.Д. Ташкентский медицинский институт (1919-1964 гг.). — Ташкент: Медицина, 1964. – С. 25
3. Каримов, А. Здравоохранение Советского Узбекистана. – С. 15.
4. Кадыров, А.А. Становление и развитие советского здравоохранения в Узбекистане.

– С. 80.

5. Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиш тарихи.... – Б. 44.
6. Ўзбекистон ИТТХ МА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 42-варақ; 119-иш, 65-варақ.
7. ЎзМА, Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 915-йиғмажилд, 94–142-варақлар.
8. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 5016-йиғмажилд, 94-варақ.
9. ЎзМА, Р-2290-фонд, 1-рўйхат, 3189-йиғмажилд, 21-варақ.